

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ
(Таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳақида)

2022 й. «16» 2

2022-27-11-168-ХТ-сон

Марғилон ш.

Марғилон шаҳар Халқ таълими бўлими кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи номидан раҳбари Г.Н.Каюмова бир томондан ва “TRIUMPH BUILDING” хусусий корхонаси кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи номидан раҳбари А.Ахмедов иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар,

1. Шартнома предмети.

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига асосан Марғилон шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги 15-умумтаълим мактаби хожатхонасини лойиха, смета хужжатларига асосан жорий таъмирлаш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади ҳамда амалдаги курилиш меъёр ва қоидалари бўйича сифатли иш бажаради.

2. Шартнома баҳоси.

2.1. Шартнома баҳоси **171000000.00** (Бир юз етмиш бир миллион) сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари.

3.1. Бажариладиган ишлар қийматини 30 % миқдорида Буюртмачи томонидан олдиндан Пудратчи ҳисоб рақамига ҳақ ўтказиб берилади.

3.2. Бажарилган таъмирлаш ишлари Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тегишли курилиш меъёрларига риоя қилган ҳолда Ф-2 далолатномаси асосида қабул қилиб олинади.

3.3. Шартнома бўйича бажарилган иш учун ҳисоб-китоб ҳар ойнинг якунида амалга оширилади ва якуний ҳисоб-китоб иши тўлиқ тамомлангандан кейин, (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилишни ҳам қўшиб) Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.4. Бажарилган ишни махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинмаса, бажарилган ишга ҳақ тўланмайди.

4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари.

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни белгиланган календарь иш режасида назарда тутилган муддатларда бажаради.

4.2. Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда ҳақ тўлаши маҳаллий бюджетдан мунтазам равишда маблағ ажратиш беришга боғлиқ эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар ҳақини тўлаб бериш муддати 6 ойгача узайтирилиши мумкин. Бу муддат бажарилган пудрат иши якунини махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинган санадан ҳисобга олинади.

5. Тарафларнинг мажбуриятлари.

5.1. Пудратчи:

5.1.1. Ўз ишчи кучи ва техника воситалари билан календарь иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатида бажарилиши ва тегишли лойиха хужжатларидаги ҳолатида ишларни Буюртмачига жорий ойнинг 28 кунига топширилиши;

5.1.2. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни конструкцияларни бутловчи ашёлар етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириш;

5.1.3. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора тадбирларни бажарилишини таъминлаши керак.

5.2. Буюртмачи:

5.2.1. Календарь иш режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда объектни Пудратчига топширилиши;

5.2.2. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 hafta ичида объектни қабул қилиши шарт.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги.

6.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб 6 ойгача ҳақни тўлаб бермаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун кечикритилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида, ammo кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

6.2. Пудратчи шартнома шартларини бузса, белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня

тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли сумманинг 50% ошмаслиги лозим.

7. Форс-мажор ҳолатлари.

7.1. Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдидан кўра билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ҳолатлар ва хатолар унга қўшиб уриш эълон қилиниши ёки амалда бошланган фуқаролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, ер кемирилиши, сув босиши, ёнгин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид қарорлари ёки ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга уни таъсир кўрсатиши ёки монёлик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, ижарага берувчи ва ижарага олувчилар бошқа тарафга хабар юбориш йўли билан ушбу шартнома бекор қилиниш мумкин.

8. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик судида кўрилишига тегишли бўлади.

9. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби.

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳолларда ҳақиқий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

Пудратчининг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларни тамом бўлиш муддати 1 ойдан кўпга ошиб кетганда;

Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда.

9.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш монтаж ишларини боришини 1 ойдан ошадиган муддатда тўхтатиб турганда;

Буюртмачи томонидан кейинчалик қуришни молиялаш имконияти йўқолганда.

9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда Буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади. Буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

10. Томонларнинг коррупцияга қарши қўшимча шартлари.

10.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинишини кафолатлайди.

10.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ва (ёки) асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон тизим орқали) ёки ишонч телефонлари орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда, томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

10.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатларда хавф-хатар бартараф этилмай, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига

олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

11. Бошқа шартлар.

11.1. Объектлар ва унга кирувчи инженерлик тизимлари жихозлар материаллар ҳамда ишларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати унинг учинчи шахслар тарафидан кўзланган ниятда шикас етказган ҳоллари бундан истисно қилинади. Объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб 2 ой давомида белгиланади.

11.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга 3 йил кафолат муддати белгиланган.

11.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг баргараф кқлиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномасида акс эттирилади.

11.4. Агар пудратчи аниқланган камчиликлар далолатномаси кўрсатилган муддат ичида бажарилган ишларнинг бунга жиҳозларни ҳам қўшиб камчиликларни баргараф қилмаса уларни буюртмачи бошқа бажарувчининг кучи билан ҳаражатларни пудратчи тўлаши орқали баргараф қилишига ҳақли.

11.5. Пудратчи аниқланган камчиликлар тасдиқлаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда буюртмачи малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини акс эттириш бўйича тегишли далолатнома тузади ҳамда тарафнинг мазкур масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқини истисно қилмайди.

11.6. Пудратчи қурилиш объектини лойиха хужжатларини ёки унинг айрим қисмларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирорта учинчи шахсларга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

11.7. Пудратчининг айби билан объектни қуриш натижасида учунчи шахсларга етказилган зарар Пудратчи томонидан буюртмачининг айби билан бўлса буюртмачи томонидан товон тўланади. Пудратчи барча ҳолларда ҳатто тегишли ҳаражатларни буюртмачи қоплаган тақдирда ҳам етказилган зарарни тугатиш учун тезкор чораларни кўради.

11.8. Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар томонидан нархларда ёки бажарилган иш ҳажмида камомад аниқланган тақдирда ушбу камомад пудратчи ташкилот томонидан тўланади.

11.9. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхадан сақланади.

11.10. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга киради ва 2022 йилнинг “31” декабригача амалда бўлади.

12. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

“TRIUMPH BUILDING”
Хусусий корхонаси

Марғилон шаҳар Халқ таълими бўлими

(иш бажарувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Марғилон шаҳар
Нурафшон кўчаси 12-уй
Тел./факс: _____
х/в: 20 208 000 100 632 495 001
Банк номи: Универсал банк Фарғона бўлими
МФО: 01 131
СТИР: 304 045 613
ОКОНХ: _____

Манзил: Марғилон шаҳар
Туркистон кўчаси 263-уй
Тел./факс: + 998916762178
ш/х*: 100 022 860 304 127 092 100 075 050
СТИР: 200 140 081 ОКОНХ: _____
Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Ғазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи: Марказий банк ХККМ Тошкент
МФО: 00 014 СТИР: 201 122 919



Раҳбар:

А.Ахмедов

(Ф.И.И)

Раҳбар:

Г.Н.Каюмова



Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarning qonun hujjatlariga muvofiqligi to'g'risida
huquqiy

XULOSA

| | |
|--|---|
| 1. Loyihaning turi: | Shartnoma. |
| 2. Loyihaning nomi: | Ta'mirlash ishlarini amalga oshirish haqida. |
| 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: | Marg'ilon shahar xalq ta'limi bo'limi (Buyurtmachi) va "TRIUMPH BUILDING" XK (Pudratchi), hujjat 2022-yil 15-fevral kuni ishlab chiqilgan va 2022-yil 15-fevral kuni dasturga kiritilgan. |
| 4. XULOSA: | Marg'ilon shahar xalq ta'limi bo'limi (Buyurtmachi) va "TRIUMPH BUILDING" XK (Pudratchi) o'rtasida tuzilayotgan ta'mirlash ishlarini amalga oshirish haqidagi shartnoma loyihasida (summa: 171000000,00 so'm) ko'rsatilgan munosabatlar O'zbekiston Respublikasining «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to'g'risida»gi Qonuni va Fuqarolik kodeksi bilan tartibga solinadi hamda shartnomada nazarda tutilgan taraflarning javobgarligi va nizolarni xal etish tartibi yuqorida zikr etilgan qonunchilik talablariga mos keladi. Qayd etilganlarni inobatga olib shartnomani tuzish maqsadga muvofiq. |

Marg'ilon shahar YuXK markazi
bosh yuriskonsulti
2-darajali yurist

2022-yil «16»-fevral



A.A.Usmonov